



# MILLIY TIKLANISH

37 (306) ● 2014 йил 24 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий университетнинг мухташам маданият саройида "Еш сиёсий билимдонлар" клуби жамоалари ўртасида ўтказилаётган "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" кўрик-танловининг финал босқичига йўлланма олган жамоалар ўзаро куч синашиш учун йиғилди



Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 2,5 минг номда умумий адади 40 миллион нусхадан зиёд китоб маҳсулотлари нашр этиляпти. Чоп қилинаётган адабиётларнинг ҳар учтасидан биттаси бевосита болаларга бағишланган



Бугун юртимизда Ватан учун, халқнинг келажаги учун улкан ишлар қилиб, катта мерос қолдирган аجدодларимизнинг улуг сиймолари акс этган муаззам ҳайкаллари нафақат юртимиз, балки дунё мамлакатларининг файзли масканларида ҳам салобат тўкиб турибди



**3** ПАРТИЯ ҲАЁТИ

**6** НИГОХ

**8** КЎЗГУ

**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XXIII боб, 117-моддасидан

Тараддуд



## Сайловчилар имзоси муваффақиятлар ибтидосидир

ЎзМТДП ташкилотларида сайловчиларнинг имзоларини тўплаш жараёни қизгин амалга оширилмоқда

Сайлов мамлакатда демократия тамойилларининг қай даражада устувор эканлигини кўрсатиб турувчи, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Бугун ана шундай долзарб жараён бошланган мамлакатимизда сайловга қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Вакиллик органларидаги кўпчилик ўринини эгаллаш учун кураш сиёсий партияларнинг янада фаол ҳаракат қилишини, сайлов кампанияси даврида бор куч ва имкониятлардан самарали фойдаланишини тақозо этмоқда.

Маълумки, 2014 йилнинг 15 сентябридан парламент куйи палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман бошланди. Мамлакатимиз сайлов қонуничилигида, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасида депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар эгадирлар. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

2-бет

Муносабат

## Ўзбекистонга тинчлик ва омонлик керак

Мустақиллик, истиқлол деган улуг неъмат, аввало, халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни тўхфа этиб, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлгимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайдиган буюк сана ҳисобланади. Ҳар гал дунё нигоҳи билан Ўзбекистонга қаралганда, айниқса, юртимизга хорийий мутахассислар томонидан берилган ижобий баҳоларни ўқиганимизда, энг аввало, мустақил тараққиёт даврида Президентимиз томонидан илгари сурилган тараққиётнинг "ўзбек модели" шу азиз юртимизда яшайётган барча ватандошларимизнинг энг эзгу ниятлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этган, маъно-моҳиятига кўра юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ифодалайдиган миллий истиқлол ғояси замиридаги улуг ва олижаноб ниятлар тобора рўёбга чиқаяётганини чуқур ҳис этамиз.

Чиндан ҳам, амалга оширилган ва изчил равишда давом эттирилаётган кенг кўламли ислохотлар, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар юртимиз қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб юборди. Бу, мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз раҳнамолигида қабул қилинган миллий тараққиёт стратегияси, ҳақиқатан ҳам, яққо ягона тўғри ва оқилона йўл эканининг амалдаги исботидир.

бир шароитда эрк ва озодлик, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини қўлга кириштириш йўлида қанчадан-қанча оғир синовларни, захмат ва машаққатларни бошдан кечирдик. Мустақиллик меъмори бўлган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва мислсиз матонат, фидойи халқимизнинг метин иродаси ва қатъият эвазига ўзимиз танлаб олган ўзига хос йўлдан фақат олға интилишимиз самарасини бугун барча соҳа ва тармоқларда, ҳудуд ва минтақаларимиз ҳаётида яққол кўриб турибмиз.

Ҳеч кимга сир эмас, ўтган даврдаги ўта оғир, мураккаб

5-бет

Съезддан съездгача

## Муҳим синов пайти келди

фаолият сарҳисоби ва тўғри хулоса сайловлардаги муваффақият омили

Маълумки, партиянинг олий раҳбар органи Партия съезди бўлиб, у камида беш йилда бир марта чақирилади. Партия Устави ва Дастурини қабул қилиш ҳамда тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, партия фаолиятининг асосий стратегик йўналишларини белгилаш каби кўплаб мутлақ ваколатларга эга бўлган съездни жорий йил навбатдаги сайловлардан олдин чақириб кутилмоқда. Газетамизнинг янги руқли ЎзМТДПнинг ўтган съездидан жорий йил съездигача бўлган даврда партиянинг йўналишлар бўйича фаолияти таҳлили акс этган мақолалар билан танишасиз.

Ҳар бир сиёсий партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи унда фаолият юритаётган ходимлар, партия фаоллари ва турли даражадаги депутатларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги, мадания-

ти, дунёқараши, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорлик даражаси билан белгиланади. ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси дево-ни Ўқув-услубий ва ахборот-тах-

лил бўлими ҳам айна шу мақсадда ташкил этилиб, фаолият олиб бормоқда. Мазкур бўлим мамлакатимизда сиёсий партиялар учун яратилган барча ташкилий-ҳуқуқий шароитлар, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда "Миллий тикланиш" демократик партияси етакчилари ва фаолларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг моҳияти, жаҳон микёсида юз бераётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг тенденциялари сингари масалалар борасидаги билимларини янада ошириш вазифасини адо этиб келмоқда.

2-бет

Онлайн мулоқот

## Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш

ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни қай даражада?

4-бет

ЎзМТДП ташкилотларида

Истиқлол йиллари халқимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Бой тарихимиз, бебаҳо қадриятларимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, муқаддас динимиз қайта тикланиб, ҳаётимиздан чуқур ўрин олди. Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тунтиб, изчил ривожланиш йўлидаги давлатлар қаторидан ўрин эгаллади. Юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи, яратувчанлик йўлидаги бирдамлиги кун сайин чирой очаятган кўркам қишлоғу шаҳарлардан тортиб, илм-фан, техника, саноат соҳаларидаги улкан ютуқ ва марраларда акс этмоқда. Ватанин улуғлаган, юрт меҳри билан яшайётган ҳар бир киши буни чин дилдан ҳис этиб турибди.

## Мустақиллик — миллий тикланиш қаноти

унга муносиб ҳисса қўшиш партия аъзоларининг улуг мақсади 3-бет

**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158



ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛ

сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда муҳим институт

Депутатликка номзодимни қўйишим учун партия аъзоси бўлишим шартми?

Абдулазиз Соатов, Самарқанд вилояти Нарпай тумани

—“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги (янги тахрирдаги) қонуннинг 20-моддаси депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи деб номланади. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур қонуннинг 22-моддасида депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби белгиланган бўлиб, унинг 5-қисмида сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партияси раҳбарлари депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади. Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтинчи беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Агар, қонуннинг 22-моддаси 3-қисмидаги “депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар” деган норма мазмунига эътибор қаратсак, депутатликка номзодларнинг танлашда ҳар бир сиёсий партия шахсининг партиявий мансублик масаласида ўз ички талаб ва тартибларини мустақил белгилаши мумкинлиги англашлари.

Партиянинг ваколатли вакили сайлов жараёнида қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлади? Махбубахон Холиқова, Андижон вилояти Андижон шаҳри

—Маълумки, 2008 йилнинг 25 декабрида мамлакатимиз сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловларнинг сезиларли равишда эркинлаштириш ва демократлаштиришга қўмаклашадиган бир қатор ўзгаришлар киритилган эди. Ана шу янгиликларнинг натижасида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги Қонунга сиёсий партиянинг ваколатли вакили деб номланган янги 17-1-модданинг киритилиши орқали сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтирувчи “сиёсий партиянинг ваколатли вакили” институти жорий этилган. Мазкур нормада депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўқрилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга (Қонуннинг 23-1-моддаси 4-қисми).

Саволларга ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАХМОНОВ жавоб берди.

Мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган ҳар бир маъмурий ҳудуд, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозимлигига амал қилинмоқда.


номзодларимиз зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Чунки ҳар бир имзо қўювчи фуқаро партияимизга, у томонидан кўрсатиладиган номзодларга катта ишонч билдиргани, келгусида ўз сайловолди ваъдаларини амалга ошира олишига қўзи етгани учун хайрихоҳ бўлади. Қалбда катта орзу-истаклар ва ишонч билан партияимизга хайрихоҳлик билдираётган фуқароларнинг ишончини оқлаш учун қизгин ҳозирлик кўраётган ЎзМТДП ташкилотлари сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида масъулият ва фоллик билан иштирок этишга интилоқда. Зеро, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни, амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида иштироки, ўз электорати манфаатларини қай даражада ҳимоя қилиши, шунингдек, мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти, келгусида ҳаётий қонунларнинг қабул қилиниши уларнинг жорий йилги сайловларда қандай иштирок этиши ҳамда муносиб ўрин эгаллашига боғлиқ. Ана шу ҳаётий ҳақиқатга интилиш ЎзМТДП марказий ва ҳудудий ташкилотлари фаолиятида яққол намоён бўлаётди.

Мухтарам РАМАЗОНОВА, “Milly tikanish” мухбири

Сайловчилар имзоси муваффақиятлар ибтидосидир

ЎзМТДП ташкилотларида сайловчиларнинг имзоларини тўплаш жараёни қизгин амалга оширилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)



Сайлов қонунчилигидаги ушбу нормага асосан айти пайтда сиёсий партиялар томонидан камидан қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаш жараёни қизгин амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 12 октябрига ҳар бир партия Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси ҳамда имзо варақаларини тақдим этиши лозим. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам навбатдаги шаклландириш ваколатли вакиллик ҳокимиятида ўз вакилларининг муносиб ўрин эгаллаши учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

ошмаслиги лозимлигига амал қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳудудий партия ташкилотларимизда имзо тўплаш жараёни жадал амалга оширилмоқда. Белгиланган намунадаги имзо варақаларини тўлдириш тартиблари, қатъий амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар борасида тушунтириш ишлари олиб борилапти. Бойси, имзо варақаларини тўлдириш тартибларига тўла амал қилган ҳолда уни тўғри тўлдириш, ҳар бир имзонинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш жуда муҳим ҳисобланади, - дейди суҳбатдошимиз.

Дарҳақиқат, сайловчиларнинг камидан қирқ мингга имзосини тўплаш партияимизга сайловда иштирок этиш ва ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқини беради. Шундай экан, мазкур жараёнга масъулият билан ёндашиш, унинг ҳаққоний ва адолатли бўлишига эътибор қаратиш лозим. — Имзо варақаларини тўплаш бўйича вилоят Ижроия Қўмитасининг йўналиши бўлиб ўтди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди, - дейди ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси Камола Абдувалиева. — Йўналиш қарорига асосан, туман ва

шаҳар Кенгашларимизга имзо варақалари берилди. Бугунги кунда партияимиз хайрихоҳлари, ижтимоий қатлами ҳамда электоратимиз вакиллари имзо варақаларини ўз хоҳиш-истаклари билан тўлдириб, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этишини қўллаб-қувватлашмоқда.

— Имзо тўплаш жараёнида бизга, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари яқиндан қўмақ бермоқда. Партия фаоллари маҳалла-қўй ва ташкилотларда бўлиб, имзо тўплаш жараёнида фаол иштирок этишмоқда, - дейди ЎзМТДП Яққасарой туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Махаммадмурот Тоштемиров. — Шунингдек, таъкидлаш жоизки, имзо тўлаш жараёни нисбатан енгил кечмоқда. Бунинг, албатта, ўзига ҳос сабаблари бор. Чунки ўтган давр мобайнида партияимизнинг аниқ ижтимоий қатлами ва электорати шаклланди. Қолаверса, бугунги сайловчи аввалгисидан ҳар жиҳатдан кескин фарқ қилади. Бугунги сайловчининг сиёсий ҳуқуқий маданияти ошган, ижтимоий-сиёсий жараёнлардан, сиёсий партиялар дастури ва улар амалга ошираётган ишлардан яхши хабардор.

Эътироф этиш керакки, партияимизга хайрихоҳлик билдириб чекилган ҳар бир имзо келгусида ЎзМТДПнинг муваффақият қозониши учун асос бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, бу партияимиз ҳамда депутатликка

Муҳим синов пайти келди

фаолият сарҳисоби ва тўғри хулоса сайловлардаги муваффақият омиллари

Съезддан съездгача (Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари ва унинг барча бўғинлари тизимида турли ўқувларни ташкил қилиш, уларни зарурий адабиётлар, ўқув, илмий-услубий ҳамда ахборот-таҳлил, дастурий материаллар ва намунавий ўқув-режалари билан таъминлаш, ўқув-семинарларнинг самарадорлиги, уларнинг амалиётда ўз ифодасини қай даражада тўлаётганининг доимий мониторингини олиб бориш, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, уларнинг ҳудудий ташкилотлар ҳамда парламентдаги партия фракцияси билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига асосий диққат-эътиборни қаратган.

риш йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларида “Депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари” мавзусида ҳудудий ўқув-услубий семинарлар бўлиб ўтди. Ушбу ўқув-семинарлар партия фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳодимларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, миллий тикланиш ғояси ва мафқурасини аҳоли орасида тарғиб-ташвиқ қилиш механизмининг назарий асосларини ва уни амалиётда тадбиқ этишнинг услубий шакллари, бугунги кундаги дунёнинг мафқуравий манзараси, жаҳонда шиддат билан кечаётган сиёсий-мафқуравий тенденциялар моҳияти, партия ташкилоти жамиятда қандай бўлиши кераклиги борасидаги билим ва тушунарларни кенг-роқ тушунтириш ҳамда партия мафқураси ва ғоясини тарғиб этишнинг янги усул ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида ўтказилди.

Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотларида жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш йўналишида фаолият кўрсатаётган ҳодимлар малакасини янада ошириш мақсадида “Партия матбуот хизмати фаолиятини кучайтиришнинг долзарб вазифалари” ҳамда “ЎзМТДП Марказий ва ҳудудий ташкилотлари матбуот хизмати фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари” мавзусидаги ўқув-семинар ҳам қўзлаган мақсадига эришти, деб айтиш мумкин.

Шу ўринда 2013 йилда ўтказилган “Ўзбекистон” Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари ва истиқболли” мавзусидаги 5 кунлик ўқув курсларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. “Сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини самарали таъминлаш”, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган барча қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилиш зарур.

ларни ҳаётга жорий этишда ЎзМТДПнинг иштироки”, “ЎзМТДП фракциясининг ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий вазифалари”, “Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор вазифалари”, “Ўзбекистон” Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари”, “Партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя қилиш ва бухгалтерия хисобиди юритишни янада кучайтириш”, “Ўзбекистонда сайлов тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари” мавзусидаги ўқув-семинарлар ҳам партия фаолияти самардорлигида муҳим аҳамият касб этди.

Жорий йил сентябрь ойида партия ҳудудий ташкилотларида ўтказилган “Сайловолди ташвиқоти ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми” лойиҳаси доирасидаги “ЎзМТДПнинг ваколатли вакил институтидан фойдаланиш амалиёти” мавзусида ҳудудий семинар-тренинглари сайловлар олдида айтиш мумкин бўлди. Унда сайловларда партия фаолларининг партия қузатувчиси ва ваколатли вакиллари ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари сифатида фаол иштирокини таъминлашнинг қонуний механизми, сайловларда сиёсий партиялар томонидан белгиланган қузатувчи, ишончли ва ваколатли вакилларнинг фаолият олиб бориш усуллари каби мавзуларда маърузалар ва амалий машғуллотлар олиб борилди.

дошимиз. — Ҳайратлики, мазкур ўқувларда ўз билим ва тажрибасини оширган партияимиз фаоллари жорий йил Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида бўлиб ўтаётган сайловларга ёруз юз билан кириб бора олади.

Ўз навбатида айтиш жоизки, ўқув-услубий ва ахборот таҳлил бўлимининг асосий вазифаларидан бири ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятининг таҳлилини умумлаштириб бориш саналади. Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳудудларда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидан чуқур хабардор бўлиб, электоратимизни қандай масала-муаммолар уйлантираётганлигини доимий равишда мониторинг қилиб боришлари ҳамда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ташаббус билан чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришиш, партия дастурий ғоя-мақсадларини ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ташаббускорликни кучайтиришлари лозим. Мазкур вазифалар партия гуруҳлари томонидан масъулият билан адо этиб келинаётгани боис ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳларининг фаолияти йилдан йилга ижобий томонга ўсиб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида ҳалқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ижро ҳокимияти органларининг жойларда қонунлар ва Давлат дастурларининг бажарилиши устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги ўрни ҳамда роли охиб бораётганини кўрсатади.

2012 йилда депутатлар томонидан 178 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 12 та қонун ҳужумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилган бўлса, 2013 йилда 351 та депутатлик сўрови, 26 та депутатлик назорати, 2014 йилнинг 6 ойи давомида 286 та

депутатлик сўрови, 26 та депутатлик назорати амалга оширилган. 2012 йилда партия гуруҳлари ташаббуси билан 28 нафар мансабдор шахсларнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тингланган бўлса, 2013 йилда 73 нафар, 2014 йилнинг 6 ойи давомида эса 87 нафар мансабдор шахсларнинг ҳисоботи тингланган. 2012 йилда партия гуруҳи аъзолари томонидан Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялар йўналишига 52 та таклиф олиб чиқилган бўлса, 2013 йилда 105 та, 2014 йилнинг 6 ойи давомида эса 74 та таклиф

торат манфаатлари, ундаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳуқуқига ҳавола этилди. Ушбу масалалар ҳудудларда қай даражада амалга ошаётгани доимий мониторинг қилиб борилаётган.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девонида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб боришчи ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, гуруҳ аъзолари ўқув-услубий ва ахборот таҳлил бўлимининг ҳодимлари саналади. Партия қўйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш, уларни ҳар

Жорий йил сентябрь ойида партия ҳудудий ташкилотларида ўтказилган “Сайловолди ташвиқоти ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми” лойиҳаси доирасидаги “ЎзМТДПнинг ваколатли вакил ва қузатувчи ҳамда ишончли вакил институтидан фойдаланиш амалиёти” мавзусида ҳудудий семинар-тренинглари сайловлар олдида айтиш мумкин бўлди.

олиб чиқилган. 2012 йилда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига 24 та масала олиб чиқилган бўлса, 2013 йилда 37 та, 2014 йилнинг шу даврига қадар 18 та масала олиб чиқилган.

Юқорида келтирилган рақамлар ҳалқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ижро ҳокимияти органларининг жойларда қонунлар ва Давлат дастурларининг бажарилиши устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги ўрни ҳамда роли охиб бораётганини кўрсатади.

томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бу борадаги ўқув-семинарлар қўйи бўғин етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимлари юксалишига хизмат қилмоқда, уларни янги ғоялар ва ташаббусларга ундамоқда. Партия бошланғич ташкилотлари томонидан жойлардаги электорат вакиллари олдидаги муаммоларни аниқлаб, партия гуруҳлари билан уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини топиш бўйича ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан маҳаллий Кенгаш депутатларининг қўйи ташкилотларга бириктирилгани таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу айтиш пайтда аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида қўйи бўғинлар фаолиятининг ошишига хизмат қилади.

Маълумки, партия Уставига мувофиқ бошланғич партия ташкилотлари йилига камидан тўрт мартаба умумий йиғилишларини ўтказишлари лозим. 2014 йил ярим йиллигига ўтказилган умумий йиғилишларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-жамоат ва маданий-гуманитар соҳаларда кўтарилган масалалар сони 1000 дан ортиқчи ташкил этади. Улар орасидан айнан маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг фаолиятини орқали амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий соҳага оид масалалар сони 123 та, сиёсий-жамоат соҳасига оид масалалар 53 та, маданий-гуманитар соҳага оид масалалар 54 тани ташкил этади. Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ўсиш кузатилаётган.

Шу ўринда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун бўлиб ўтган такрорий сайловлар жараёнида ҳам эътибор қаратишни жоиз деб билдик. Маълумки, “Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 44-моддасига мувофиқ, 2013 йилда ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун бўлиб ўтган такрорий сайлов ўтказилган бўлиб, ўтказилган сайловлар якунига қўра, жами 152 та бўшаб қолган ўриндан 51 таси ЎзМТДПдан кўрсатишган номзодлар томонидан қўлга киритилган.

Хулосага ҳали бор. Чунки жорий йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтаётган сайловлар фаолиятини мизни қайта сарҳисоб қилишга имкон беради. Шароит ҳам, имкониятларимиз ҳам етарли. Электорат, партияимиз аъзолари ва хайрихоҳлари сафи ортмоқда. Бу муҳим “имтиҳон” натижалари эса улар иштиёрида.

Беход СОДИҚОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси, ШОҲИДА ДАМАНОВА, “Milly tikanish” мухбири

# Партия ҳаёти

© Интеллектуал кўрик-танлов

## Билим, маҳорат ҳамда ёшлик шижоати

ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг якуний босқичи иштирокчиларида ана шундай жиҳатлар намоён бўлди



**Миллий университетнинг мухташам маданият саройи... Унда ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби жамоалари ўртасида ўтказилаётган “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида” кўрик-танловининг финал босқичига йўланма олган жамоалар ўзаро куч синиши учун йиғилди. Саҳнага ўрнатилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг мақсад-вазифалари, шиори акс эттирилган кўргазмалар байрам руҳини акс эттириб, иштирокчилар кучи-ақл, ғайратига-ғайрат, шижоатига-шижоат қўшиб тургандек.**

Ёшларнинг юз-кўзига қараб улардаги ҳаяжонни, шу билан бирга ўзига бўлган ишонч, қатъият ҳамда голиблик руҳини сезиш қийин эмас. Боиси, энди галвирни сувдан кўтарадиган лаҳзалар, тайёргарлик, ўқиш-изланишнинг самарасини кўрсатиш фурсати яқин қолди. Саҳнага ўз минтақаларида голиб бўлган тўртта жамоа — Навоийнинг “Истиқлол”, Қашқадарёнинг “Насаф”, Бухоронинг “Парламент” ҳамда Наманганнинг “Ёш Сенаторлар” жамоалари тақлиф этилди. Ана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини тўғри раёқ қилиш, маънавий ва сиёсий билимдонларнинг қўлини қўриқиб олиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди партия раҳбари. — Мазкур жараёнда ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда уларда етакчилик ва ташаббускорлик марҳумларини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш-

лари билан табриклади. — Юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, юксак инсоний фазилятлар руҳида тарбиялаш, улар қалби ва онгини миллий ҳаёт тарзимизга зид зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, келажак эгаларини юксак интеллектуал салоҳиятли, фидойи, изланувчан ва ташаббускор кадрлар қилиб тайёрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди партия раҳбари. — Мазкур жараёнда ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда уларда етакчилик ва ташаббускорлик марҳумларини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш-

да партия “Ёшлар қаноти” томонидан ўтказилаётган мазкур кўрик-танловнинг алоҳида ўрни бор. Бу каби танловлар орқали ёшлар ўз билим ва маҳоратини намоён этиб, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий билимларини юксалтириш имконига эга бўлишмоқда. Айтиш лозимки, ушбу танлов келажакда сиёсатчи, депутат бўлиш истагида бўлган ёш йигит-қизларимиз учун маҳорат мактаби ҳамда шу мақсадга эришиш йўлида қўйилган кичик пиллапоядир.

Ташриф қарточкаси деб номланган биринчи шартни Навоий вилоятининг “Истиқлол” жамоаси бошлаб берди. Шундан сўнг Қашқадарёнинг “Насаф”, Бухоронинг “Парламент” ҳамда Наманганнинг “Ёш Сенаторлар” жамоалари ўзлари яшаётган ҳудуднинг миллий ўзига хослиги, қадрият ва анъаналари, иқтисодий ютуқ ва имкониятларини саҳна кўринишлари, қўли-қўшқ, рақс орқали таниш-тирдилар.

— Мазкур шартга тайёргарлик кўришда нималарга аҳамият бердингиз, - дея Навоий вилоятининг “Истиқлол” жамоаси сардори Отабек Мўминовнинг фикри билан қизиқдик. — Навоий юртимизнинг иқтисодий тез суръатлар билан ривожланаётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Президентимизнинг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши тўғриси-

да”ги Фармонига асосан вилоятимиз саноатлашган, иқтисодий потенциали юқори даражада ривожланиб бораётган ҳудудга айланиб бормоқда. Шу боис вилоятимизда мавжуд йирик саноат корхоналари фаолияти билан яқинда танишдик. Тайёргарлик асносида Навоий вилояти ҳудудидаги Қоратоғнинг ён бағрида жойлашган, қўллаб-қувватлаш суратларини сақлаб қўйилган Сармишсой табиий археологик мажмуа кўриқ-хонаси, Работи Малик карвонсаройи ҳамда сардобаси, Хожа Хусрав қадимжоси, Қосим Шайх мажмуаси, Нурота зиёратгоҳи сингари бир қанча тарихий қадимжоларда бўлиб, уларнинг бунёд этилиш тарихини ўргандик. Ўз чиқишимизни тарихий, маданий, меъморий ёдгорликлар, халқимизнинг моддий ва номоддий меросини асраш ва ривожлантириш, ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга садоқат руҳида камол топтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш сингари партия дастурий мақсад-вазифаларига ҳамроҳ раъза ифодалашга ҳаракат қилдик.

— “Куч — билим ва тафаккур” деб номланган савол-жавоб шартига ёшлар ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, давлатимиз раҳбари томонидан илқини сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”, “Юксак маънавият — энгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарлари, ЎзМТДП Устави, Дастури ҳамда сайловолди Платформаси, шунингдек, мамлакатимиз ҳамда дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан қай даражада хабардор эканликларини намоён этдилар.

— Юртимиз халқ иродасига таянадиган кучли демократик давлат куриш йўлидан дадил одимлаётган экан, унинг таянчи бўлган ёшлар, албатта, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англашлари, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлардан хабардор бўлиши, Ватан келажакда дахлдорлик туйғуси билан яшаши лозим, - дейди Бухоро вилоятининг “Парламент” жамоаси сардори Хуснора Асророва иккинчи шарт бўйича ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан. — Бу борада ЎзМТДП бизга яқиндан кўмаклашмоқда. Кўрик-танловнинг мазкур шартига тайёргарлик орқали халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Конституциямизга киритилган ўзгаришлар, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари, Президентимизнинг асарлари ҳамда партия Устави ва Дастури, сайловолди Платформасини чуқур ўргандик. Бу эса, сиёсий билимларимизни ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини янада теран англаш имконини берди.

“Ёшлар мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси” деб номланган учинчи шартда жамоалар томонидан “Соғлом бола йили”га бағишлаб тайёрланган саҳна кўринишлари орқали айрим оилаларда учраётган нуқсон ва камчиликлар акс эттирилди. Танловнинг мазкур шартига орқали ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, фаоллиги, ташаббускорлиги, масала ва муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш



ва уларнинг ечими юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш борасидаги қобилиятлари синондан ўтказилди.

— Биз ушбу шартда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини имкон қадар кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик, - дейди Қашқадарё вилоятининг “Насаф” жамоаси сардори Гулзода Раҳмонова. — Бугунги кунда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, қариндошларнинг турмуш куриши бўлажақ фарзанд саломатлигига жиддий таъсир қўришар экан. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан тугилган болаларнинг ногирон бўлиб туғилиши эҳтимоли кўпроқ кузатилади. Ҳар жиҳатдан долзарб бўлган ушбу муаммо, ўз вақтида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган оналик ва болаликни муҳофа-

за қилиш, репродуктив саломатлик ҳамда миллат генотипини сақлашга кўмаклашиш сингари устувор мақсад-вазифалар ижроси билан ҳам муштаракдир. Шу боис, биз ана шу мавзунини кўтариб чиқишга қарор қилдик.

Танлов ниҳоясида етди. Ҳаяжонли дақиқалар... Ҳакамлар ҳайъати жамоалар қўлга киритган умумий балларни эълон қилди. Бунга қўра, олий ўринни ЎзМТДП Наманган вилояти Кенгаши “Ёш сиёсий билимдонлар” клубининг фаол аъзоларидан иборат “Ёш Сенаторлар” жамоаси қўлга киритди. Биринчи ўрин Бухоронинг “Парламент”, иккинчи ўрин Қашқадарё вилоятининг “Насаф” ҳамда учинчи ўрин Навоийнинг “Истиқлол” жамоасига насиб этди. Тадбир якунида барча иштирокчиларга партиянинг диплом ҳамда эсоналик ва болаликни муҳофа-

**Арслон ЭШМУРОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, ҳакамлар ҳайъати раиси:**

— Бу йилги кўрик-танлов ҳар жиҳатдан қизиқарли ҳамда муросасиз ўтди. Жамоалар мусобақага пухта тайёргарлик кўришган экан. Буни мусобақада қатнашган жамоаларнинг ҳозиржавоблиги, партия фаолиятини яқини ўзлаштириши ҳамда долзарб мавзуларга бағишланган саҳна кўринишларига ўзига хос ёндашганларида ҳам кўриш мумкин эди. Шу боис, жамоаларнинг ҳар бир чиқишини баҳолаб бориш биз ҳакамлар ҳайъатига бироз қийинчилик туғдирди. Кўриктанловда жамоаларнинг қайси ўринни эгаллагани мўҳим эмас, назаримда. Мўҳими, ёшлар ушбу танлов орқали ўз имкониятларини синондан ўтказишди, билимларини ҳамда ўзларига бўлган ишонч ортди. Уйлаймики, келажакда улардан Ватан қорига камарбаста, партияимизнинг жонқуяр, фидойи инсонлари етишиб чиқади.

**Нозима РЎЗИМАНОВА, Наманган вилоятининг “Ёш Сенаторлар” жамоаси сардори, кўрик-танлов голиби:**

— Беллашувлар юқори даражада ўтди. Бугунги кўрик-танловда голиб бўлганимиздан хурсандман. Партияимиз сафида билимли, иқтидорли, фаол ёшлар жуда кўп. Мазкур танлов биз ёшларни бой тарихимиз, улғу аждодларимиз мероси ҳамда бугунги кун билан янада фахрлиши ва ғурурланишига ўргатди. Келгусида танловда қатнашиш жараёнида эгаллаган билимларимизни тенгдошларимиз орасида кенг тарғиб қилиб, партияимиз гоё ва дастурларини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ, «Milliy tiklanish» мухбири**

© ЎзМТДП ташкилотларида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

ЎзМТДП Марказий ва Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамкорлигида Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг қўлтуғ 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг мазмун-моҳияти ва унда илгари сурилган устувор ғояларни тарғиб қилиш, партия ижтимоий қатлами ва хайрихоҳлари, кенг жамоатчиликка етакчилик қаратилган “Миллий тикланиш — миллий ўзлигини англаш демокдир” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарни ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Одиложон Мамадалиев кириш сўзи билан очиб, истиқлол йилларида мамлакатимиз демократик ислохотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётган, юқори ўсиш суръатларига эришаётган, аҳоли турмуш фаровонлиги йил сайин юксалиб бораётган давлатга айланиб, жамиятнинг барча жаҳаларида мисли қўрилмаган ўзгаришлар юз бераётганини таъкидлади.

Йиғилишда маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов иштирокчилар эътиборини қўйидагиларга қаратди.

— Мустақил тараққиёт йилларида эришилаётган улкан ютуқ ва натижалар замирида халқимиз тараққиётнинг “ўзбек модели” номини олган тадрижий, эволюцион ривожланиш йўлини танлагани бош омил бўлиб, бу борада амалга оширилаётган сайё-ҳаракатлар самараси халқаро майдонда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Тараққиётнинг “ўзбек модели”ни ишлаб чиқишда халқимизнинг менталитети, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, бағрикенглик каби фазилятлари инобатга олинди. Халқимизнинг эркин ва озоод ҳаёт, инсонлик шаъни, миллий онги, қадрият ва урф-одатларини тиклаш йўли-

## Мустақиллик — миллий тикланиш қаноти

унга муносиб ҳисса қўшиш партия аъзоларининг улғу мақсади

да қўлга киритилган мустақиллик халқимизнинг юксак маънавий жасоратидир.

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, халқни демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти куришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига чорлашни тизимли ва изчил давом эттиришни ўз Дастурининг энг мўҳим вазифаси қилиб белгиланган ЎзМТДП, унинг аъзолари ва минглаб хайрихоҳлари дилида ҳам юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, тотувлик учун шукроналик туйғуси ҳўкмрон. Бу туйғуни янада кучайтириш фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолаверди, - деди партия раҳбари.

Жиззах вилоят Ахборот кутубхона марказида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган “Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир” мавзусидаги семинарда ҳам истиқлол туҳфа этган имкониятлар ҳақида сўз борди.

Шуни эътироф этиш керакки, Юртимизимиз табригида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, ўтган қисқа давр мобайнида миллий давлатчилигимиз тикланишидан тортиб, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашигача бўлган гоёту мураккаб, босқичма-босқич йўл, кенг камровли ислохотларда эришилган юксак натижалар чуқур акс этади. Шунингдек, табриқда халқимиз онгида ўзлигини англаш, миллий ғурур ва ифтихор тушунча-

лари шаклланиши ҳамда юксалиши, миллий тафаккури ва дунёқараши, бунёдкорлик салоҳиятининг ортishi, энг мўҳими, нафақат юртимизда, ён атрофимизда, бутун дунёда тинчлик, осийшталлик, фаровонлик барқарор бўлишига интилишдек улғувор ишларининг туб моҳияти очиб берилган. Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ғайрат Қодиров ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Тадбирда “Миллий ўзлигини англаш - келажакка йўл очади” мавзусида маъруза қилган, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев, жумладан, шундай деди:

— Тарихини билиш ўзлигини англашдан бошланади, ўзлигини англаш эса келажакка йўл очади. Истиқлол туфайли биз тарихимизни билиш, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, маънавий ва моддий бойликларимизга эгаллик ҳуқуқини қўлга киритдик. Энг мўҳими, мустақиллик бизга халқимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятларини уйғунлигиде яшаш имкониятини яратиб берди. Биргина фактга эътибор қаратайлик, дунёда 200 дан зиёд давлат, 6500 дан зиёд миллат бор. Аммо шулар орасида тарихи 3000 йилдан ортинки ташкил этилган давлатлар ва халқлар бармоқ билан санарли. Улар орасида ўзбек миллатининг номи ҳам борлиги бизни кечкисиз қувонтиради, шу билан биргаликда, бундай қўлтуғ мақомага муносиб бўлишга ундайди. Мустақиллик, истиқлол бизга мана шундай улғу бахт — халқимизни миллат сифатида ўзлигини англаш, тарихидан фахрланиш, бугунидан рози

бўлиш, келажакка дадил қадам ташлашга ундаётгани билан ҳам қадри, муқаррамдир, - деди партия раҳбари ўринбосари.

“Мустақиллик — энг улғу, энг азиз неъмат” мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Кўмитаси раиси Абдуғафур Маматов томонидан мамлакатимизнинг мустақиллигини қўлга киритганидан то бугунги кунгача бўлган тарихан қисқа, аммо гоёту мураккаб йўл, бу йўлда халқимиз бошидан кечирган синовлар, миллий давлатчиликни барпо этиш йўлида амалга оширилган улкан ишлар, хусусан, мустақиллиқнинг мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш борасидаги имкониятлари ҳақида батафсил сўз юритилди.

**Шоира ИНОМОВА, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:**

— “Мустақиллик”, “Озодлик”, “Эркинлик” деб аталмиш мўътабар ва азиз неъматлар, уларнинг қадрига етиш ва асраб-авайлаш семинарда бот-бот тилга олинди. Таъкидланганидек, бу улғу тушунчалар инсоннинг бахтли ҳаёти, фаровон турмуши, эзгу ишларининг кафолатидир. Биз учун энг улғу, энг азиз бўлган мустақиллик, истиқлол боис қўлга киритилган ютуқ ва марралар қалбимизни ғурур-га тўлдирди. Кўп миң сонли партия аъзолари, хайрихоҳларини истиқлолни асраб-авайлашга, қадрлашга даъват этиш, ислохотларга муносиб ҳисса қўлишига чорлаш фаолиятимизнинг бош мақсадига айланган. Зотан, жипслик, бирдамлик бор жойда барака ва ободлик бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши томонидан “Юксак маънавият — халқимизнинг бугунги ҳаёти, тақдир ва ёшлар келажакни белгилайдиган бекиёс куч” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирни ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Боҳодир Бобожонов кириш сўзи билан очиб, Юртимизимиз маърузасида илгари сурган ғоялар халқимизнинг ўзлигини янада чуқурроқ англаб, келажакда уфқларига дадил боқушида мўҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтди.

— Миллий маънавиятимиз шаклланишида аждодларимиз қолдирган бой мероснинг ўрни бекиёс эканлиги барчамизни қўнча тарихимиз ва улғу бобокалонларимиз билан фахрланишга ундайди, - деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, партия фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов. — Дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган, математика, астрономия, геодезия, тиббиёт каби аниқ фанларни ўрганишга умрини бахшида қилган, дostonларда эзгу туйғуларни сўз сехри билан ифодалаган инсонлар меҳнатидан хали қанчадан-қанча авлодлар бахраманд яшайди. Шундай экан, бугунги кунда юртимизимизнинг яратувчилик салоҳияти жонажон Ўзбекистонимизни раванқ топтириши баробарида авлодлар анъаналари давом этаётганлигини исботламоқда. Дунё сиёсий харитасида “қайноқ нуқталар”нинг қайси ўрнига йил сайин тораб ортиб бораётганлиги натижа-

сида юз минглаб беғуноҳ инсонларнинг жабр тортаётганлиги юртимизда ҳўкм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаётнинг қадрига етиб яшашга ундайди. Ҳар неъматни борида қадрлаш ҳикмати аждодларимиз даҳоси маҳсули эканлигини инобатга олсан, маънавиятимизнинг ҳар дам, ҳар нафас бизга мададкор бўлишига яна бир қарра амин бўламиз, - деди нотик.

Фарзандга ҳаётнинг меваси сифатида қараш, уни ўзининг келажак деб билиш ўзбек халқининг юксак маънавий қадриятларидан биридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар, бунёдкорликлар замирида юртимизнинг эртанги кўни бўлиши ёш авлоднинг бахти-иқболини кўриш, уларни юрт келажакни белгилловчи қомил инсонлар қилиб воёга етказишдек эзгу мақсад мўжассам. Бу туйғу халқимизни улғулайди, унга тараққиёт йўлида мавжуд тўсиқларни астойдил энгиб ўтишда улкан куч ато этади.

Ватанин семвоқ иймодандир, дейилади халқимизнинг муқаддас маънавий қадрияти бўлган муборак ҳадисларда. Қўллаб-қувватлашимиз ўзларининг халқаро мусобақаларда галаба қозонишларида уларга, авваломбор, ватанпарварлик туйғуси руҳий мадад бўлаётганлигини бот-бот тақдорлайдилар. Йигит-қизларимизнинг халқаро спорт мусобақалари, фан олимпиадалари, санъат саҳналарини кўргазмаларида қўлга киритаётган ютуқлари, уларнинг иқтидорли хорижий мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлолдек улғу неъмат моҳияти, унга эришиш йўлидаги заҳматлар ҳамда бугунги кунда эришаётган улкан ютуқларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишда ЎзМТДП янада фаоллик кўрсатишига интилади.

**Дилноза ХАЙИТОВА, Алишер РАҲМОН, «Milliy tiklanish» мухбири**

Онлайн мулоқот

Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш

ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни қай даражада?

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигида бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини кучайтириш масаласи алоҳида таъкидланган эди.

Шу нуқтаи назардан партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари, фаоллари ҳамда депутатларидан юртимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёнида ўз электорати манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши, жойлардаги масалаларни ҳал этиш орқали ҳудудлар раванқига ҳисса



Анора БОБОМУРОДОВА, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

ва тақлифлар киритишни кучайтиришимиз ва шу орқали ҳудудлар раванқига ҳисса қўшишимиз лозим. Вилоят миқёсидаги кўрсаткичларимизга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгаш сессияларида 3 та ташаббус-масала олиб чиқилди. Хусусан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда ҳамда электорат учун муҳим бўлган масалаларнинг ечим топишида халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашида партия гуруҳи ҳам фаоллик кўрсатишга интилоқда. Жумладан, туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига "Худудда маданий мерос объектларини ҳимоя қилишнинг бугунги ҳолати ҳамда Сармишсой табиий археологик мажмуа музейи қўриқхонаси негизда давлат музейини ташкил этиш тўғрисида"ги масала киритилиб, унга мувофиқ тегишли қарор қабул қилинди ҳамда туманда тарихий ўлкашунослик музейини ташкил қилиш юзасидан ама-

лий ишлар бошлаб юборилди. Бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга кўтаришга эътиборни кучайтиришимиз лозим. Чунки жойларда депутатлар аралашуви билан ҳал бўладиган, электорат вакилларини ўйлантираётган, ҳудудлар ривожига тўсиқ бўлаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш, бартараф этиш йўлларини аниқ тақлифлар асосида сессия ва доимий комиссиялар муҳокамасига ташаббус-масалаларни киритиши, маҳаллий Кенгашларда тегишли давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ишитувини мунтазам ташкил этиб бориши лозим. Масалан, биргина мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ишитувини ташкил этиш орқали эришилган натижалар таҳлили билан

Тўлқин КАРИМОВ, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:



— Депутатлик назоратини амалга оширишда депутатлар ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалалар, электорат манфаатларига дахлдор қарорларнинг ижро этилиши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимизда 96 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида 12 та депутатлик назорати амалга оширилиб, бунинг натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб масалалар ижобий ечим топган.

Бугун мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ҳам ана шу амалий саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди. Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Биродар Юсупов бу эғзу ишларга ўз ҳиссасини қўшиб, депутатлик ваколатидан самарали фойдаланиш мақсадида Андижон туманидаги 3 сонли мактабгача таълим муассасаси фаолияти, ҳудуд болаларининг боғчага қамраб олиниши қандай кечаётгани ҳақида тўлиқ-

роқ маълумот олиш учун депутатлик назоратини амалга оширди. Ўрганиш жараёнида 3-МТМда таълим-тарбия тизими янги ёндашувлар, мультимедиа иловали қўлланмалар асосида тўғри ташкил этилгани маълум бўлди. Шундай бўлса-да, мазкур муассасада бола қамрови кўрсаткичлари кўнгилдагидек эмаслиги аниқланди. Бунга муассаса тарбиячилари маҳалла фаоллари билан биргаликда тушунириш-тарғибот ишларини ўз вақтида ташкил қилмаганлиги асосий сабаб деб топилди. Депутатлик назоратидан сўнг, ҳудуддаги фуқаролар йиғинида болажонларнинг турли ижодий чиқишлари, оилаларда суҳбатлар уюштирилди. Бу бола қамрови кўрсаткичининг ошишида яхши самара берди. Партия гуруҳларимиз аъзолари томонидан амалга оширилётган бундай эғзу ишлар салмоқли даражада ва уларни янада кўпайтириш олдимизда турган муҳим вазифадир.



Ўрал САТТОРОВ, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

тимий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишини таъминлашга ҳисса қўшади. Қолаверса, мансабдор шахслар кўмағида ижтимоий шерикчиликнинг йўлга қўйилиши жойлардаги кўпгина масалаларнинг ижобий ҳал этилишига омил бўлади. Вилоятимиздаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан жорий йилнинг ўзида 12 март мансабдор шахсларнинг ҳисоботи тингланиб, бунинг натижасида самарали ишлар олиб бориладиган алоҳида эътиборга молик.

Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Гулбахор Нормуродова Галлаорол тумани

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига ҳудуддаги таъхир коллежлари ва мактабларда Президентимизнинг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини ўрганиш мақсадида депутатлик сўрови киритди. Натижада тумандаги таълим маҳканларида чет тилларини ўрганиш учун қўшимча синфхоналар ажратилгани аниқланди. Шунингдек, тил ўрганиш марказларини кўпайтириш лозимлиги эътиборга олиниб, бу борада зарур шароитлар яратилди.



Гулчехра ЭШНАЗАРОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига ЎзМТДПдан сайланган депутат:


— Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тараққиёт жараёни кузатиш мумкин. Энг муҳими, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, мамлакатни янгилаш ва ислоҳ қилишдаги иштироки тобора такомиллашиб, сиёсий партияларга нисбатан ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Зеро, бугунги сайловчи қайси партия қандай мақсадларни илгари сураётгани, кимларнинг манфаатини ҳимоя қилаётганини билиши ва жараёнида синчковлик билан кузатиши шубҳасиз. Шундай экан, партия гуруҳлари фуқаролар муурожаатларига алоҳида эътибор қаратиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида бир қатор иш-

ларни амалга оширмоқда. Биргина 2014 йилнинг ўтган даври давомида 39 нафар фуқаро муурожаати қайд этилиб, уларнинг 36 таси ижобий ҳал этилган.

Кувонарлиси, муурожаатларда баён қилинган масалаларнинг кўпчилиги ўз жойида ечим топмоқда. Хусусан, жорий йилнинг март ойида Хўжайли туманидаги "Амударё" овул фуқаролар йиғини раиси ҳудудда яшовчи фуқароларни доимий ичимлик суви билан таъминлаш масаласида амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутати Қ.Каланова муурожаат қилган эди. Мазкур масала атрофида ўрганилганидан сўнг, тегишли идораларга депутатлик сўрови юборилди. Натижада ушбу камчиликлар ўз вақтида бартараф этилиб, аҳолига тоза ичимлик суви етказиб берилди. Шунингдек, Мўйноқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда тумандаги овул врачлик пунктларини олий маълумотли умумий амалиёт шифокорлари билан таъминлаш борасида фуқароларнинг муурожаатлари ижобий ҳал этилгани каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Энг муҳими, депутатларимизнинг мазкур саъй-ҳаракатлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилиши билан эътирофга сазовор.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимизнинг мулоқот давомидаги фикр-мулоҳазаларидан шундай ҳулосага келиш мумкинки, депутатларнинг электорат манфаатлари йўлидаги ташаббускорлиги, амалдаги қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашдаги фаоллиги, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ҳамда ҳудудлар раванқига муҳим ўрин тутди. Бу борада ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги фаолиятини тўғри ташкил этиши, сайловчи ва электорат вакиллари билан мунтазам равишда учрашиб, юзма-юз мулоқот олиб бориши, ҳудуддаги ташкилотлар ҳамда жойлардаги бошланғич ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши керак. Шундагина аҳолини қизиқтираётган масалалар билан танишиб, ҳудудларда эҳтиёж сезилаётган жиҳатлардан хабардор бўлиш ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини кўра олиш мумкин.

Муҳтарма КОМИЛОВА, Умма УЗОКОВА, "Milliy tiklanish" мухбирлари



Саломат ЭРЖОНОВА, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

нинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар иштирокидаги ҳуқуқий-тарбиявий чора-тадбирларни амалга оширишни янада кучайтиришда муҳим ўрин тутди. Масалан, яқинда ўтган йилги ишларимизда ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ҳудудимиздаги ижросини кўриб чиқдик. Хусусан, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг таълим муассасаларида бажарилиши ҳамда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг Ургач шаҳрида ижро этилишига доир масала муҳокама қилинди. Эътироф этилганидек, вилоят таълим муассасаларида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг ижросини таъминлаш юзасидан ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими, прокуратура, ички ишлар бошқармаси ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Шу билан бирга бу борада сусткашликка йўл қўйлаётган ўринлар, айрим камчиликлар мавжудлиги таъкидланиб, бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тақлиф-таъсиялар ишлаб чиқилди.

Маълумки, "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонунда таълим, спорт ва диний муассасалардан белгиланган маълум бир масофада жойлашган савдо объектларида, жамоат транспорти бекатларида, жа-

Тадбир

Оммавий ахборот воситалари орасида интернет энг тезкор тармоқ ҳисобланади. Гарчанд унинг пайдо бўлганига анча йиллар бўлганига қарамай, анъанавий журналистикадан ўзининг тезкорлиги, хомашё ва жой масаласида чеклов нимагини билмаслиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда ушбу соҳа жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Шунга қарамай, "Ўзнет" тармоғида қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳали бисёр. Пойтахтимизда ўтказилган "Миллий интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзўидаги республика илмий-амалий семинари айнан шу вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Интернетда миллий журналистика истиқболлари

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкиллаштирилган тадбирда вазирилик, қўмига ва идоралар ахборот хизматларининг масъул ходимлари, медиа соҳа экспертлари, марказий, ҳудудий босма ва интернет оммавий ахборот воситалари журналистлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчи ва талабалари, блогерлар иштирок этди.

Юртимизда илк бор ўтказилган тадбир давомида соҳа мутахассислари томонидан миллий интернет-журналистиканинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, соҳанинг етакчи ва ёш мутахассислари, блогерлар, экспертлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, веб-нашрларда мақолалар сифатини яхшилаш ва хилма-хиллигини кенгайтириш, оммавий ахборот воситаси сифатида интернетни ривожлантиришга доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, онлайн журналистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланди.

Семинарда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги устувор йўналишлар, медиа соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш босқичлари, интернет оммавий ахборот воситалари учун кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари, шунингдек, Ўзбекистонда онлайн-журналистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланди.

Тақдимот кўринишидаги маърузаларда таъкидланганидек, 1995 йилнинг 29 апрелида ".uz" домени рўйхатга олинганидан бундан жойлаштирилаётган веб-сайтлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, 2010 йилнинг февраль ойида мамлакатимиз интернет маконида 10 мингта веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, жорий йил сентябрда уларнинг сони 18,3 мингдан ошди. Интернет оммавий ахборот воситалари ҳам жадал ривожланаяпти. Айни пайтда оммавий ахборот воситаларининг 270 дан зиёд тармоғи фойдаланувчиларга ахборот-таҳлил хизматлари кўрсатмоқда. WWW.UZ миллий ахборот-қидирув тизими маълумотларига кўра, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг веб-сайтларига ҳар ойда 820 мингдан ортиқ фойдаланувчи кирмоқда, бир ойда веб-сайтлар ўртача 11 миллион марта кўздан кечирилгани қайд этилган.

Интернет оммавий ахборот воситалари ривожлангани сайин улардан фойдаланувчиларнинг роли ҳам ўзгариб бораётир. Улар аста-секин ахборот олувчи макомидан ҳаммуаллиф ва тарқатувчи макомига ўтмоқда. Семинар доирасида "Ўзнет" ва миллий ҳамжамиятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилиши билан эътирофга сазовор.

Илмий-амалий семинарнинг иккинчи қисмида тўртта шўъба гуруҳи фаолият юритди. Ушбу мажлислар чоғида экспертлар томонидан интернет-журналистиканинг маҳаллий сегментини ривожлантириш бўйича тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, семинар доирасида етакчи журналист-амалиётчилар, медиа соҳа экспертларининг истиқболли онлайн-нашр лойиҳалари тақдим қилинди.

Семинар якуни бўйича иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан батафсил маълумотга эга бўлишди. Мавзу юзасидан конструктив фикрлар алмашуви бўлиб ўтди.

Зафар МУҲАММАД, "Milliy tiklanish" мухбири

## Муносабат

# Ўзбекистонга тинчлик ва омонлик керак

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Мустақил тараққиёт йўлининг йиғирма уч йил мобайнида эришган асрларга мензгаулик муваффақиятларимиз, аниқ мақсад билан, изчил олиб борилган, пухта ўйланган ислохотларни ҳаётга жорий этиш ва жамият маънавиятини юксалтиришга қаратилган узоқни кўзловчи сиёсатнинг ижобий натижалари жаҳон ҳам-жамиятининг хайратига сазовор бўлаётган.

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари, деган тамойилга асосланган демократик ислохотлар марказида инсон омилли, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари доимо устувор бўлиб келаётгани, фуқароларимизнинг тинч-тотув, осойишта турмуш кечиришлари, яратувчилик, бунёдкорлик меҳнати билан эмин-эркин шугулланишлари учун етарли шароит, имкониятлар яратилаётгани юрт тараққиётида муҳим омил бўлмоқда. Хурриятга эришганимиздан буён ўтган завоқ мобайнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи 400 дан зиёд қонуннинг ҳаётга жорий этилгани, 70 дан ортқ халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилингани ҳам юқоридаги фикримиз далилидир. Энг асосийси, Бош Қомусимизда шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари ҳимоя қилувчи қатор нормаларнинг мустақамлаб қўйилгани, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал тизими яратилгани истиклолнинг халқимизга ҳада этган энг олий меvasи бўлиб, ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, унинг бахт-саодати учун, деган машур иборанинг реал ҳаётимиздаги инъикосидир. Албатта, бу каби муваффақиятларнинг энг асосий омилли ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш бўйича тизимли равишда олиб борилган оқилона ва узоқни кўзловчи сиёсатдир.

Бундан йиғирма уч йил аввал энди-гина мустақилликка эришган, миллий тараққиётнинг самарали йўлларини ахтараяётган, жамият ҳаётини, иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот тизимини, маданий-маърифий, таълим-тарбия соҳаларини янгилаётган ёш мамлакатнинг қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятининг муносиб аъzосига айланиши, тараққиёт топган дунё давлатлари билан бўлишари, онгу шууримизда, турмуш тарзимизда шу қадар катта ўзгаришлар юз бериши, шахар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетиши, баркамол ёшларимизнинг жаҳон майдонларида эришган оламшумул ғалабаларини тасаввур қилишнинг ўзи нақадар мушкул эди. Не бахти, бундай ютуқларга бугун, энг аввало, ўзимиз, қолверса, дунё ҳамжамияти гувоҳ бўлиб турибди. Она диёримиз улкан қурилиш, бунёдкорлик майдонига айланди. Тиллимиз, динимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимиз, улуг аждодларимизнинг бебаҳо мероси ўзимизга қайтди. Дунёда "Ўзбекистон ибратини", "Ўзбекистон намунасини", "Ўзбек модели", "Ўзбек маҳалласи" деган иборалар, маънавий-ахлоқий тушунчалар пайдо бўлди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, ахил-иноқликка ҳам-манинг ҳаваси келади. Юртбошимизнинг мустақилликнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини-ўзи боқиб қурби етмаган но-чор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор су-ратлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга гурурифтхор бағишламоқда.

Ҳа, биз қўлга киритган ютуқлар, эришган марралар салмоғи чиндан ҳам ниҳоятда залворли. Бироқ Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиклолга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бораётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнини холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт.

Мухтарам Президентимиз ўз та-

рик сўзларида "Бизга тинчлик ва омонлик керак. Мана шундай эзгу фикр, эзгу интилиш барча-барчамизнинг юрагимиз, қалбимиздир, десам, айна ҳақиқатни айтган бўлман. Мана шундай ўта мураккаб вазият барчамиздан аввало оғох, хушёр ва сезгир бўлишни талаб қилмоқда" деб алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатдан ҳам дунёда энг улур бир неъмат борки, унинг номи тинчлик. У руҳий покликдан қувват олади. Шу маънода, биз янги давлатчилигимиз тарихини ўттишимизнинг табаррук руҳий-маънавий олами билан туташтиришимиз бежиз эмас. Хурриятга, истиқлолга эришганимиздан сўнг Имом Бухорий, Мотуридий, ат-Термизий, Бахавуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Ахрор Валий, Бурхониддин Марғинович ва шу каби жуда қўллаб маънавиятимиз пешволарининг ҳикматларини, фалсафий қарашларини, ҳаётга, жамиятга, келажакка муносабатлари силсиласини қалбимизга кўчирдик.

Қаранг, бугун ўзбек автомобиллари жаҳон мамлакатлари кўчаларида кезиб юрибди. Тилламиз, пахтамиз жаҳон бозоридан ўз ўрнига эга. Электр энергиямиз ўзимизнинг азиз, тинч, фаровон юртимизгагина эмас, балки жафокаш афғон халқининг эзилган қаддини кўтариши учун ҳам хизмат қилмоқда. Буюк Ипақ йўли бўйлаб мамлакатимиз ҳудудидан замонавий темир йўл магистраллари қурилди. Темир йўл қуриш афсона саналган Бойшуну Деҳқонбоддан поездлар пушқириб ўтаётди, қувончлиси, қатор қорхоналар, ишлаб чиқаришнинг улкан мажмуалари ишга тушмоқда.

Шуқри, Юртбошимиз раҳнамолигида маънавият билан жилабланган, ақл ва тадбир билан зийнатланган Тинчлик ватанида яшапмиз. Қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қарши, Наманган, Урганч, Марғилон, Қўқон, Термиз ва жамики катта-кичик шаҳарларимизнинг бугунги хусни-жамолига қараб кўз тўймайди.

Тинчлик Юртбошимиз айтгандай, омонлик, файзу барақадир. Ўтган йиллар ичида Истиклолимизни асосли даражада мустақамлайдиган қандай улуг ғалабаларга эришдик! Биринчидан, номимизни бутун қилдик, энди қимларгадир ғалла сўраб мурожаат қилмаймиз, ҳар йили саккиз миллион тоннадан зиёд ғалла етиштиряпмиз. Ортиқчасини экспорт қилаяпмиз. Тинчлик — бу нон эканлигини, ундан баҳраманд бўлган халқнинг кўзи ҳам, ўзи ҳам тўқ, илғи бақувватлигини билдиради. Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинлигининг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида энг низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айна мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Афғонистон заминидagi уруш алағаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдириши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан "Кўшнинг тинч — сен тинч", деган азалий халқ ҳикматиға амал қилиб, афғон моjarосини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, Давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда туриб, бу қарама-қаршилиқни бартараф этишга қаратилган такрор ва такрор мурожаатлари барчамизга яхши маълум.

Мустақиллиқни ҳимоя қилишнинг муҳим йўналишларидан бири миллиятимизнинг маънавий-руҳий ҳаёти билан боғлиқдир. Айтиш жоизки, халқимиз азалдан жамоавий турмуш қоидаларига амал қилиб, шу кунларга етди ва бундан кейинги ҳаётини ҳам айна шу тамойил талаблари билан боғлайди. Бизнинг бир боламизга етти маҳалла ота-оналик қилиши бирортанмиқас малол келмайди, мабодо унинг ноқўя қадамидан қўшимчи бизни вақтида оғохлантурса, унга фақат раҳмат айтмаймиз. Биз инсонга ҳос ва ҳос ҳаёт деб мана шундай ҳаётни тушунамиз ҳамда уни ҳар томонлама рағбатлантираемиз. Зеро, бизнинг аждодларимиз имонли ҳаёт кечириш деганда айнан шундай турмушни тушунганлар ва шуқри, кам бўлмаганлар.

Бугунги кунда бутун дунёда инсон қалби учун шиддатли кураш кетаётган бир пайтда бизнинг миллий тушунчаларимизни барбод этишга, мафқуравий иммунитетимизни сусай-

тириш, ёшларимизни оғдиришга қаратилган тажовулардан оғох бўлишимиз талаб этилади. Демократия никобидagi нафсга қулкини, дин никобидagi жаҳолатни тарғиб этишдан қўзланаётган манфаатларни теран англаймиз. Ва буларнинг барига нимани, қандай қудратни қарши қўйиш лозимлигини ҳам биламиз. Бу, биринчи навбатда, халқимизнинг орномуси, диний ва дунёвий эътиқоди, маърифатини ўзида мўжассам этган маънавий қудратидир.

Сир эмаски, айрим кучлар томонидан "демократия тарғиботи" шаклида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўғри Фарб турмуш тарзининг зўрма-зўраки тиқштирилишига айланиб кетяпти. Демократия никоби остида Фарб турмуш тарзи ва қадриятларини бутун дунёга тарғиб қилгучиларга жавобан биз ўлмас миллий қадриятларимизни асраб-авайлаймиз. Айтиш жоизки, бу қадриятлар умуминсоний демократик тамойилларга қарши бўлмай, аксинча, улари янада бойитишга ва тақомиллаштиришга хизмат қилади. Диний-экстремистик жаҳолатга жавобан динимизнинг софлигини сақлаш орқали маърифатли кураш олиб борамиз.

Президентимиз байрам табригида "Халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш учун амалга ошираётган ишларимиз ўз ҳо-лини бермоқда ва шу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиман — бу соҳада эришган марраларимиз билан биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина манаман деган давлатлардан ўзиб кетганимизни энг муҳим ютуғимиз, деб ҳисоблайман. Бир пайт билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин, биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг энгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни энгиб бўладими?" деб таъкидлади.

Юқоридagилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастурида белгиланган фуқароларнинг сиёсий маданияти, демократик онги ва тафаккурини юксалтиришнинг зарурий шартлари сифатида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва маънавий соҳани бойитиш, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини ягона умумий миллий мақсад, давлатчилик ва умумий миллий гурур рамзлар атрофида янада жипслаштириш каби муҳим мақсадларни кенг миқёсда амалга ошириш орқали белгиланган вазифаларга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Чўнки, тинчлик-осойишталик таъминланган, халқи аҳил ва миллий қадриятлари улугланган юртгина ҳар томонлама юксалиши мўжарбар.

Булар, ўз навбатида, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялардан ҳам ана шу вазифаларни ҳаётга жорий этиш ишларига тайёр бўлишлари, сиёсий етуқликка интилишларини талаб этади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Президентимизнинг байрам табригида билдирилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ўзининг жорий йил ва узоқ истикболга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқди ҳамда шу асосда фаолиятини давом эттирмоқда. "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган ғоят муҳим йўналишда салмоқли натижаларга эришишни асосий вазифалар сифатида белгиланганмиз. Мустақиллигимизни сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий, мафқуравий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш миллиятнинг, мана шу диёрда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Мақсадимиз юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги - умумий миллий гоёси атрофида жамиятимизни бирлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш орқали дунёнинг энг ривожланган давлатлари каторида тенглар ичра тенг бўлиш, улар сафидан муносиб ўрин эгаллашдир. Ана шу эзгу мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан фаол ҳаракат олиб бориш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари учун шарафли вазифадир.

Акmal PAХMOHOB,  
ЎзМТДП фракцияси аъzоси

## Ёшлар фестивали



# Ватан ягонадир, Ватан биттадир

Новойда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

*Зукко, билимдон, ташаббускор, истеъдодли, ишжонатли... Бугунги кун ёшларига бериладиган бу таърифларни ҳали узоқ давом эттириш мумкин. Зеро, маънавияти юксак, ҳар ишда фаол ва иштишувчан йигит-қизларимизнинг ўқишда, ишда, спортда, санъатда, ҳуллас, барча-барча соҳаларда эришаётган ютуқлари чин маънода салмоқли ва залворлидир.*

Муҳими, юртимиз истиклоли туғайли улларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам юксак даражага кўтарилди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори эса давр ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Новой шаҳрида ЎзМТДП вилоят Кенгаши ҳамда вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, ўрта-мақсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати ҳамкорлигида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъzолари, ЎзМТДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши партиядан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, билимли ва интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ҳақиқий баҳс-мунозараси, қачқонлик ва эгчилик мусобақасига айланган фестиваль яқиндагина нишонланганимиз Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиданаларига ҳамоҳанг тарзда ташкил этилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Тадбир партия вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" қошида ташкил қилинган "Еш сиёсий билимдонлар" клуби аъzолари

## Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Андижонда янги қуйи бўғин

ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишга бел боғлади

Бугун юртимизда кечаётган ислохотлар жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг мавқеи ўз электорати манфаатини таъминлаш ва аъzолар билан ишлаш йўналишида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари билан белгиланади. Бу борада, айниқса, партиянинг қуйи тузилмалари ҳисобланган вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларининг аҳамияти беқийёс.

Ўртасида ташкил этилган "Заковат" интеллектуал ўйини билан бошланди. Билим тафаккурда, ҳозиржавоблиги шижоатда бир-бирдан қолишмайдиган ёшларнинг ҳар бир саволга теран мулоҳаза ҳамда қачқонлик билан жавоб қайтарганликлари томошабинларнинг эътирофига сазовор бўлди. Ўйин натижаларига кўра, Новой Давлат қончили институти ҳузуридаги 2-сонли академик лицей ўқувчиси Лазиз Қайюмов энг яхши билимдон сифатида эътироф этилди. Фестиваль доирасида ташкил этилган "Мустақиллик — менинг тасаввуримда" мавзусидаги ёш расомлар кўргазмаси ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Истеъдодли ёш мусавирлар томонидан ишланган мустақиллик шодиданалари, тинч ва осойишта ҳаётимиз, қадрият ҳамда анъаналаримизни улугловчи, йилнинг тўрт фасли ҳам ўзига хос тарзда акс эттирилган табиат манзараларидан иборат иқодий асарлар кўргазмага ташриф буюрган ёшлар томошабинини бефарқ қолдирмади. Кўргазма якунида Новой тиббиёт коллежи ўқувчиси Зухра Соҳибова голиб деб топилди, "Энг яхши асар муаллифи" сифатида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Дарҳақиқат, спорт — жисмоний ва маънавий баркамолликка эришишнинг муҳим омилдир. Шу боис, икки кун давом этган фестиваль доирасида турли спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди. Жумладан, миллий кураш, югурчи, волейбол, шахмат-шашка бўйича ўтказилган беллашувлар томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, "Миллий тикланиш" кубогини ўн ўтказилган футбол мусобақалари ёш томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлади. Бир сўз билан айтганда, ёшлар орасида жисмоний баркамоллиқни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турлари ҳамда халқ ўйинларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақалар шиддатли ва муросасиз кечди.

Тадбир давомида ёшларни қизиқтирадиган долзарб масалаларга оид суҳбатлар уюштирилди. Йигит-қизларнинг жамиятдаги сиёсий фаоллигини ошириш, уларни оммавий маданият, ахборот хуру-

жи, гиёҳвандликнинг салбий таъсиридан асрашга қаратилган маърузалар иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Фестивалнинг якуний тадбири Новой шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Мухаммадиев ҳамда ЎзМТДП Новой вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Лочин Облоқулов мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, юртимизда мустақиллик йилларида ёш авлод камолоти йўлида улугвор ва салмоқли ишлар амалга оширилади. Келажакимиз эгаларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари, соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Таълим-тарбия тизимининг тақомиллашгани ва унинг жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганлиги боис ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти ҳам юксалиб бормоқда. Айни пайтда юртимизда 1,5 мингта яқин мухташам, барча шарт-шароитларга эга бўлган касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар фаолият юритмоқда. Хусусан, 900 мингдан ортқ аҳоли истиқомат қилаётган вақирон Новой вилоятида ҳам ёшлар доимий диққат-эътиборда. Худудда 47 касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей ҳамда 359 та умумтаълим мактаби мавжуд. Жорий йилда 16 миң 131 нафар ўқил-қиз касб-хунар коллежлари дипломига эга бўлди. Шунингдек, 2 миңдан ортқ битирувчи 11 миллиларда яқин имтиёзли кредит билан таъминланди. Бу эса ёш тадбиркорлар сонининг яна 2 миң нафарга ошганлигидан далолатдир.

Фестивалда бир гуруҳ иқтидорли ёшлар партия вилоят Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир "Фарҳод" маданият саройи санъаткорлари иштирокидаги гала концерт намоиши билан якунланди.

## Лазиз ҚАЙУМОВ, фестиваль иштирокчиси:

— Биз ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитларга дунё ёшлари ҳавас қилмоқда. Бундан ортқ бахт борми? Бугун билан оламан, касб-хунар эгаллайман, деган ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очик. Энди биз Ватан бизга нима берди, деб эмас, биз Ватанга нима бердик, дея ўйлашимиз, шу азиз юртга муносиб фарзанд бўлиш учун бутун куч-ғайратимиз, билим ва салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз лозим. Менинг назаримда, ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилган фестивальдан қўзланган асосий мақсад ҳам ана шунда.

## Шаҳзод АБДУЛЛАЕВ, фестиваль иштирокчиси:

— Ранг-баранг мавзулар танланган бугунги анжуман том маънода ёшлар байрамига айланиб кетди. Мен бу тадбир доирасида ўтказилган "Мустақиллик — менинг тасаввуримда" иқодий ишлар кўргазмасида иштирок этдим. Фестивалнинг мустақиллигимизнинг 23 йиллик шонли тўйига ҳамоҳанг тарзда ташкил этилганлигини ҳам раамзий маъносини бор. Мен қачин ёшлар бу ерда ўз қобилиятларини намоиш этиб, гўзал Ўзбекистонимизнинг бугунги тинч, фаровон ҳаётини, халқимизнинг бой тарихий мероси ҳамда нурли келажакни акс эттиришга ҳаракат қилдик. Тенгдошларимнинг иқодий ишлари менда катта таассурот қолдирди.

## Ўраули ТУРДИЕВА, «Milliy tiklanish» муҳбири

рувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилган махсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат. Бугунги кунда Uz Dong Ju Peint КЮ масъулияти чекланган жамияти 570 нафарга яқин ходимни бирлаштириб, 10 дан ортқ, жумладан, GM Uzbekistan, Сам-Авто, Кейс-трактор, Автодизел каби қўшма қорхоналарга 100 дан ортқ турдаги махсулотларни етказиб бормоқда. Мақсад — миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ички бозоримизни хорижий сифатсиз махсулотларидан ҳимоя қилиш борасида Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорларнинг ижросини таъминлашга қўмаклашиш ва бу борада ЎзМТДП олдида турган вазифалар, тегишли тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиб, маҳаллий аҳоли қатламга етказиш орқали партия дастурий мақсад ҳамда вазифаларини ҳаётга тадбиқ этишдир.

Гулжаҳон САЛИБАЕВА,  
ЎзМТДП Андижон вилоят  
Кенгаши матбуот котиби

Ёшлиқда берган кўнгил...

Фестиваль

Китобга меҳр болалиқдан бошланади



Юртимизда ёш авлодни китобга ошно этиш мақсадида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек, барча вилоят марказларида "Соғлом ва маънавий етук авлод - юрт келажиги!" шiori остидаги "Болалар китоби" республика фестивали бўлиб ўтди.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш, ёшларда юртга садоқат, миллий ва умуминсоний гоёларга эҳтиром туйғусини кучайтириш ва интеллектуал салоҳиятни баркамол авлодни камолга етказишда китоб бекуёс восита бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

тури доирасида ўтказилаётган фестивалдан кўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида кўлга киритган ютуқларимизнинг маъно-моҳиятини ҳамда болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтиришга, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга давлат даражасида берилган эътиборни кенг жамоатчиликка етказишдир.

баа корхоналари давлат рўйхатидан ўтказилган, дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош муҳаррири Мухиддин Омонов. — Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 2,5 минг номда умумий адади 40 миллион нусхадан зиёд китоб маҳсулотлари нашр этиляпти. Чоп қилинаётган адабиётларнинг ҳар учтасидан биттаси бевосита болаларга бағишланган. Мазкур фестивалда 60 дан ортиқ нашриёт ва матбаа корхоналари мингга яқин номдаги болалар адабиётлари билан қатнашди.

да ошно қилиши шубҳасиз. Сайил тарзида ўтказилаётган фестивал доирасида Маданият ва истироҳат боғининг турли ҳудудларидаги махсус майдончаларда иштирокчи-нашриётлар томонидан "Соғлом бола йили"га бағишланган ҳамда халқаро китоб кўргазмаларида совринли ўринларни эгаллаган китоблар тақдими ҳам уюштирилди.



Ўшма олган суратлар.

Ибрат

Наҳв илми жонкуяри

Ўтган асрнинг олтинчи йилларида институтимизда кўлаб буюк фан даргалари дарс берган, аспирантларга раҳнамолик қилишган. Ана шу зиддилар орасида хусуси жамолда ҳам, ақлу камолда ҳам, ҳуқуқ аштор, гуфтору рафторда ҳам ҳаммаи ўзига мафтун этиб, шогирдлар руҳига нур, сомеълар қалбига шуур бахш этиб юрадиган, жамоанинг фахри бўлган бир аёл ҳам бор эди.

Мазлума опанинг дарсларида бутун аудитория бир тану бир жонга айланарди. Улар назарий қондалар, фикрларни қандай айтиб тушунирсалар, доскада жумлаларни шундай теран таҳлил қилиб, қулоғимизга қуйиб қўяр эдилар. Биз "педагог - санъаткор, артист бўлиши керак" деган ақидаи ана шу дарс жараёнларида Мазлума опадан ўққанмиз.

Мазлума Аскарлова 1937 йили педагогика техникумини, 1944 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатди, аспирантурада тахсил олди. 1948 йилдан 2010 йилга қадар Мазлума Аскарлова ўзи ўқиган институт (ҳозирги пединверситет)да ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, профессор лавозимларида ишлади.



Мазлума Аскарлова

лар, шогирдлар муқаррам тутган устозлардан. Ётмишинчи йилларнинг бошларида Мазлума опа ўзбек тилининг синтаксисини юзасидан докторлик диссертациясини химоя қилдилар. Даврнинг машҳур филологлари Ганижон Абдураҳмонов, Айюб Фуломов, Фаттоҳ Абдуллаев ва бошқалар тадқиқотга юқори баҳо беришган.

Айрим олимлар илмий фаолиятда муайян нуктага етгач, иходлари сусая бошлайди ёки бошқа йўналишларга қайтадилар. Профессор Мазлума Аскарлова бўлса ўзи танлаган ўзбек тилининг синтаксисини тадқиқ этиш, муттасил излашни, ўқиб-ўрганиб, билганларини ҳамкасблари эътиборидан ўтказишга интилиб келган олимлардан. Унинг "Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар", "Эргашган қўшма гапнинг синтактик синонимикаси", "Ҳозирги ўзбек тилида эргаш гап формалари ва эргаш гаплар", "Қўшма гапнинг эргашган тури ҳақида" сингари кўплаб монографиялари фикримиз далили бўла олади.

М.Аскарлова мустақиллик йилларида янада фаол ижодий иш олиб борди. Кўплаб дарслик ва кўланмалар яратди, ўнга яқин иқтидорли ёшлар бевосита опанинг раҳнамолигида ўзбек тили синтаксисини, ўрта таълим тизимида она тилини ўқитиш методикасини ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижодининг лингво-поэтик хусусиятига доир муаммолари бўйича диссертация химоя қилиб, илмий даража олишга эришдилар. Ҳозирги пайтда Мазлума Аскарлова илмий мактабиде камол толган Муяссар Сапарниёзова, Муҳаббат Худоевора, Феруза Ҳайитова сингари олимлар юртимиз олий ўқув юртиларида дарс бериб, устозаналарини давом эттириб келмоқда.

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ, филология фанлари доктори, профессор

Ҳар гал шаҳар марказидаги гавжум чорраҳа четига ўрнашган рангли паннога кўзим тушганни кўнглимда ажиб бир туйғу уйғонади. Бир қараганда оддий воқеа - нуруний отахон набираси билан кўчат эжомда. Бола кўзларида ўсиб-улғаяётганидан, бобосига қарашаётганидан мамнуликни сезиш қийин эмас.

Ҳар баҳорда она заминимиз бағрига неча минг-минг туп мевали, манзарали дараклар экилади. Халқимиз анъанасига кўра, каттаю кичик хашарга чиқиб, ариқ-зовурлар тозалаб, хиёбонлар, маданият ва истироҳат жойлари тартибга келтирилади, янги боғлар, гулзорлар яратилади, мавжудлари парваришланади.

Бола ёшлиғидан катталарга ҳавас қилиб улғайди. Бобоси ер чопаетган бўлса, мен ҳам чопаман, мевали даракт кўчатини ўткизаётган бўлса, ушлаб тураман деб интилади. Шаштини қайтармай, қўлга белкуркак берсангиз, кучи етса-етмас, худди катталардай ишлаб бошлайди. Эккан кўчати кўкариб, барг ёвса, бир-икки йилдан кейин гуллаб, мева тугса, бу унинг учун гоят қувончли, ёдида бир умр сақланиб қолади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар, "Эргашган қўшма гапнинг синтактик синонимикаси", "Ҳозирги ўзбек тилида эргаш гап формалари ва эргаш гаплар", "Қўшма гапнинг эргашган тури ҳақида" сингари кўплаб монографиялари фикримиз далили бўла олади.

Бепарволик, лоқайдлик ва эътиборсизлик сабаб турли ёнғин ҳолатлари рўй бермоқда. Айниқса, кўп қаватли бино ва уйларида ёнғинлар нисбатан кўп содир бўлаётгани ачинарли ҳол. Оловдан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўйиш оқибатида 102 та ҳодиса қайд этилган бўлса, шундан 17 таси болалар иштирокида рўй берган.

Наҳв илми донишманди Мазлума Аскарлова эл назарида юрган, юрт эъзозидоғи, ҳамкасб-

Х.ҲОЖИЕВ

дай ҳикоя қилади: "Боланинг овқатланиши, кийиниши, кийим-бошини озода тутиши, бошқа болалар билан дўстлашиши, ўйинчоқ ўйнаши, инжиқлиги, йиғлоқи ёки қизғончиқлигига қараб, ота-онаси қимлигини, оилавий шароити қандайлигини билиш мумкин. Йиллар давомида мен бунга кўп бор ишонч ҳосил қилганман..."

Ҳар йили мамлакатимизда кўплаб янги боғ-роғлар пайдо бўлади. Узоққа бормай, биргина пойтахтимизни олайлик. Бутун Шарқнинг фахри-иштихори, дунёнинг энг гўзал, саранжом-сарифшта шаҳарларидан бирига айланиб бораётган Тошкентимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Истиқлол йилларида янгидан қад ростлаган замонавий бинолар, файзли хиёбонларга ҳаммамнинг ҳаваси келади.

Яқинда кўпқаватли турар-жой биноларидан бирида ёш йигитчанинг айби билан ёнғин чиқишига бир баҳа қолди. Маълум бўлишича, бинонинг энг юқори қавати деразасидан паства улоқтирилган сиргата қолдиғи шамол таъсирида иккинчи қаватнинг очик деразасидан ичкарига келиб тушган.

Бошқа бир воқеа. Уста Маҳмуд бува Телпақишлоқнинг қўли гул инсонларидан эди. Бир қарасангиз дурадгор, бир қарасангиз сувоқчи, бошқа бир вақт бўёқчи ёки чилангарлик қилиб, ҳамқишлоқларининг юмушларини беминнат бажариб юрарди.

Таассуфки, ҳаётда бунинг тамомила акси бўлган мисолларга ҳам дуч келишга тўғри келади. Бир гал тахририятга шикоят билан келган бир отанинг "хасрат"ини тоқат билан тинглашимга тўғри келди.

Болалар билан суҳбатлашсангиз, гап-сўзларини тингласангиз ёки хатти-ҳаракатларини кузатсангиз, табиятан бир-бирларига сира ўхшашмасликлари аён бўлади. Болалар боғчасида салкам қирқ йил тарбиячилик қилган Манзура опа Мухамедова шун

қатта талофатларга сабаб бўлиши мумкин. Уй атрофларига ташланган маший чикинди, ўз вақтида ўрилмаган, қуриган ўтлар нафақат экологини бузди, балки турли хашоратларнинг кўпайиши, энг ёмони, ёнғин чиқишига олиб келади.

Бундай ёнғинларнинг олдини олишда маҳалла фуқаролар йиғини ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ҳам фаол иштирок этишса, аҳоли билан бўладиган ҳашар ва тозалик ишларини кучайтиришса мақсадга тўзаолаб қўйсалар бу каби нохуш ҳолат юз бермаган бўлар эди.

Эрмахон ТУРСИНБАЕВ, Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Реклама

# ФАРФОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ



*жамоаси*




*Ўз билим ва тажрибасини,  
истеъдод ва маҳоратини,  
кўз нури ва қалб қўрини  
аямасдан, маърифат йўлида  
беминнат хизмат қилаётган  
устоз ва мураббийларимизни*

## 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни

*билан муборакбод этади.*

*Фарзандларимизни маънан етук,  
жисмонан соғлом, касб-ҳунарли ва  
ватанпарвар этиб тарбиялашдек  
машаққатли ҳамда шарафли  
меҳнатингизда улкан зафарлар  
тилайди.*



### БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

